

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали равишда нишонлаш учун ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Биз учун ҳақиқатан ҳам энг улғу, энг азиз айём бўлган бу қутлуг сана ўтган тарихан қисқа даврда босиб ўтган гоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизни, амалга оширган кенг қўлмали ишлорларимиз самарасини, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимизга қўйган олий мақсад – энг тараққий топан давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тўзумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз талнаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг амалий исботини мамлакатимизнинг қўдрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаятиганида, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришяётган бундай марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, қўнчилик мамлакатларни қойил қолдираётгани ва уларнинг ҳавасини уйғотаётганини кузатиш қийин эмас.

Олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омиллини авваламбор тараққиёт йўлимида тўсик бўлган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни енгиб ўтишда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқарashi, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганида кўриш даркор.

Энг муҳими, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши ёш авлодимизнинг янгиҳа, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдирини келажакдаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда.

Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўтган давр мобайнида она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг қайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кенг қўлмали ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамини тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Республика комиссияси бир

ҳафта муддатда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурни тайёрлашда қўйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин: мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик қишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номуслимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажикимизни ўз қўлимиз билан қўриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб берганини кенг ёритиш;

мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг галла мустақиллиги, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларнинг маъно-мазмунини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бериш;

юртимизнинг илгариги қоқоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккахокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланганини чуқур таҳлилий асосда талкин қилиш. Бу борада иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани кўп нарсадан далолат беради. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаятиган нефть ва газ қимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, машиный электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланаётгани билан боғлиқ факт ва рақамларга алоҳида ургу бериш;

мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даражадан 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан қўнчилик бораётгани мисолида кенг қўлмали иқтисодий ислохотларимизнинг амалий самарасини кўрсатиш;

олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомитиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич қайтариб бериш, Конституциямизда қўзда тутилган ҳусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш каби ўта муҳим йўналишларнинг аҳамиятини жамоатчилигимизга, халқимизга содда ва таъсирчан усулларда етказиш. Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажминини икки баробардан зиёд қўнчириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъий билан илгариллаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омилларнинг моҳиятини очиб бериш;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилгани, ҳозирги кунда фермер ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланиб бораётганини кенг ёритиш;

юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани;

ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 қарра, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортки, мева 6,3 марта қўнчилигани ва бошқа ҳаётий мисолларни мамлакатимиз озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори сифатида акс эттириш; мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етгани, айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз равақига муносиб ҳисса қўшаётганини таҳлилий асосда кўрсатиш;

жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мақтаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилаётганини теран ифода этиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, кекса авлод вақиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишларга алоҳида аҳамият бериш. Жумладан, давлат бюджетимизнинг социал соҳаларга йўналтирилган йиллик ҳаражатлари изчил оғиб бораётганини, биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортганини бу борадаги кенг қўлмали ислохотларнинг манткий натижаси сифатида кўрсатиш;

ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини, ҳусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусика ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўрта-сида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани ва бошқа мисоллар асосида ана шундай амалий ишларимизнинг аҳамиятини атрофлича ёритиб бериш;

юртимиз мустақиллиги, унинг ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ишончли қафолати бўлган Куролли Кучларни ислох қилиш ва миллий армияимизнинг салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган, қўлами ва микёсига кўра улкан ўзгаришлар бўйича кенг тушунириш ишларини олиб бориш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва оёсийшталлиқни кўз қорачиқдек асраш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва оғоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб бериш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда

олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарам-қаршилиқ ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш ҳақидаги ёндашув ва қарашларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича ёритиш. Ҳусусан, мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг хорижий мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик бўйича қонуний асосда белгилаб олинган қатъий позициясини кенг жамоатчилиқка етказиш.

4. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида учрашув ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Байрам тантаналари арасида фойдаланишга топширилган тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирилик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги "Ўзбекнаво" эстрада бйрлашмаси, "Ўзбекино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Махалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Тасвирий ойна", Ёзувчилар ва Бас-такорлар уюшмалари, Бадиий академия ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда "Истиқлол фарзандлари" ва "Келажак бизники, марра бизники!" деб номланган ёшлар фестивалларини, "Ўзбекистон – умумий уйимиз" республика дўстлик ва маданият фестивалини, "Миллий гоя – бизнинг гоя" илмий-амалий анжуманини, шунингдек, юртимиз мустақиллигини тарангдм этадиган энг яхши қўшиқ ва мусика асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ҳамда "Энг улғу, энг азиз", "Ватан учун яшайлик!", "Ранглар жилосида – она диёр мадҳи", "Сени қўлайимиз, замондош!", "Истиқлол солномаи", "Бу – менинг Ватаним" каби аънавий қўриқ-танловларнинг юқори даражада ўтказилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан; Тошкент шаҳрида республика бюджет ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетли маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

9. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 2 июнь.

Ў Ёшларга оид давлат
сиёсати – амалда



БИЗ – БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Шу йил 1-3 июнь кунлари вилоятимиз бўйлаб худди шундай шиор остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Истиқлолнинг ўтган 25 йили давомида ёшларимиз мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, барча жаҳаларда маррани баян олаётганлар.

Президентимизнинг қуни кеча қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизда ўтган давр мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотларнинг моҳияти ва аҳамия-

тини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида ургу берилгани бежиз эмас.

Давоми 2-бетда. ➡



Тухфа

Халқимизда "Тўйга тўёна билан" деган нақл бор. Ушбу нақл бугунги кунда эзгу аънаёнага айланиб улғурди. Зеро, энг улғу, энг азиз байрамимиз арасида кўплаб янги ва замонавий иншоотларнинг қурилиб, фойдаланишга топширилган сўзимиз тасдиғидир. Ана шундай истиқлол иншоотларидан бири – "Бунёдкор" маданият ва аҳоли дам олиш маскани ангрениклар учун ўзига хос байрам тухфаси бўлди.

ОБОД МАНЗИЛЛАР ТАРОВАТИ

Бу ерга қадам босишингиз билан кенг ва кўркам ҳовлидаги фаввора диққатингизни тортади. Ўнг тарафда миллий услубда қурилган бири-биридан чиройли ёзиқ дам олиш ший-понлари, чап тарафда – болалар ўйин майдончаси. Қаршингизда эса 800 ўринли салобатли кино мажмуага кўрк бағишлаб турибди.

Карнай-сурнай са-долари остида бошланган маросимда шаҳар ҳокими Ибро-ҳимжон Раҳмонов Юртбошимиз та-

шаббуси билан ташкил этилган Ангрениклар мажмуида хорижий сармоядорлар иш-тирокида қуриб ишга туширилаётган замонавий корхона-лар иқтисодиётни юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани ҳақида сўзлаб, жумладан шундай деди:

– Айни пайтда шаҳарда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга катта ётибор қаратил-моқда. Бугунги кун-да Алишер Навоий номли, "Дукент", "Ёшлар", "Чотқол",

"Тон" каби маданият ва аҳоли дам олиш масканлари қайта таъмирланди. Мана, энди "Бунёдкор" масканининг очилиши ангрениклар учун энг улғу, энг азиз байрамимиз олдида ажойиб совға бўлди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимиздаги барқарор оёсийшталлик, аҳоли турмуш фаровонли-гини янада оши-ришга қаратилаёт-ган эътибор ва та-дбиркорларимиз гай-рат-шижоатини ало-ҳида таъкидлади-лар.

Неъмат ДУШАЕВ.

БИЗ – БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Биобарин, вилоятимизда ўтказилган ёшлар фестивали ҳам айнан шу йўналишдаги тадбирларнинг дебочаси бўлди, дейиш мумкин.

Олмалик шаҳридаги "Металлург" стадиони бугундан миннатдор, юз-қўзида ўзига ва эртанги кунига ишонч балқиб турган ёшлар билан тўлиб-тошган. Анжуманининг завқи ва ҳаяжони ёшларимизни янада юксак марралар сари қорламоқда. Зеро, бу каби тадбирлар мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёшларни турли хил оммавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий оламида бойитиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрнини юксалтиришда бекиёс аҳамият касб этади.

Фестивалнинг якуловчи катта концерт дастурида санъат ва маданият намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда навқирон авлод вакиллари жам бўлишди.

◀ Бошланиш 1-бетда.

Йиғилганларни вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги билан қизгин муборакбод этди.

Маълумки, вилоятимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларга яратилаётган имкониятлар вилоят ёшлари ҳаётида ҳам яққол намоён бўлаётди. Жумладан, вилоятимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили контракт асосида таълим олаётган ёшларга 8 миллиард сўмдан зиёд таълим кредити, ёш оилаларга эса 21 миллиард сўмликдан ортик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш, ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга энг муҳим ва устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган ёшлар қўллаб соҳаларда ютуқ ва муваффақиятларга эришмоқдалар. Масалан, бугунги кунга

қилиб истеъдодли ёшларимиз орасида 10 нафар "Нихол", 17 нафар "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндорлари мавжуд. Вилоятимиз спортчи ёшларининг 300 га яқини Жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпиони деган номга сазовор бўлишди. Охириги уч йилнинг ўзига спортчи ёшларимиз 310 та халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, жами 1 минг 836 та медални қўлга киритдилар. Шундан, 678 таси олтин медал экани барчамизни қувонтиради. Шунингдек, 61 нафар фарзандимиз Президент стипендияси ва бошқа номдор стипендиялар соҳибига айланишган.

Бу натижалар ёшларимиз халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган, жаҳон аҳлига буюк юрт – Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмамлигини кўрсата оладиган авлод бўлиб етишяётганини яққол тасдиқлайди.

– Ушбу фестиваль бизга янги-янги марралар учун пой-

девор бўлди, – дейди Пискент агросаноат касб-хунар коллежи 1-босқич ўқувчиси Дилшод Пўлатов. – Инсонийлик ва меҳр-муҳаббат, Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат ва дўстлик руҳида ўтган фестиваль мен учун жамият ҳаётида фаол бўлишни, Ватан

ним олдидаги бурчларимни бажаришим йўлида изланишим лозимлигини аниқлади.

Тадбирда Саида Раметова, Тошпўлат Маткаримов, Жаҳонгир Позилжонов, Тоҳир Содиматов, Хилола Ҳамидова сингари қўллаб-қувваткорлар иштирок этиб, Ватан, истиқлол-

ни тараннум этувчи кўшиқлари билан йиғилганларга завқ улашди.

– Мазкур фестиваль менга илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди, – дейди актёр Асқар Ҳикматов. – Вилоят ёшларининг фаол ва ташаббускорлиги, тадбирга аъло даражада тайёргар-

лик қўрилгани бизни ҳайратга солди.

"Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилган фестиваль бу борада жуда катта йўлланма бўлди. Фестиваль доирасида ўтказилган "Ватаним – меннинг фахрим", "Ўзбекистонга хизмат қиламан!" ва "Бу менинг Ватаним!" лойиҳалари ёшларда ватанпарварлик туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилса, "Одам савдоси – давр муаммоси", "Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид" ҳамда "Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти" сингари бир қатор лойиҳалар уларни доимо сергак туришга, атрофимизда бўлаётган воқеаларга ҳамisha эътиборли бўлишга ундаши шубҳасиз.

Яқинида етган фестиваль ёшлар қалбида Ватанидан фахрлиниш, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ва масъулиятини уйғотди. Демак, фестивалдан кўзланган мақсадга тўла эришилди, дейишга барча асослар бор.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Саволлар борми, марҳамат?

Фестиваль кундалигидан жой олган энг муҳим лойиҳалардан бўлган "Ҳоким ва ёшлар", "Депутат ва ёшлар" учрашуви барча шаҳар ва туманларда мунозара, савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Унда мактаб ва коллеж ўқувчилари ўз қизиқишлари, муаммолари ҳамда таклифлари билан ўртоқлашиб, дилдан суҳбат қуришди.

Учрашувда қатнашган йигит-қизлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, қобилиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар. Шунингдек, учрашувларда истиқлол даврида ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги яна бир бор таъкидланди.

– Туманимизда "Ёшлар маркази"ни очиш ҳақидаги таклифнинг маъқулланганлиги барча тенгдошларим қатори мени ҳам хурсанд қилди, – дейди Қибрай туманидаги Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Шаҳзод Ҳудойназаров. – Учрашувнинг эркин, расмийликдан ҳоли тарзда ташкил этилгани биз, ёшларга ўз қарашларимизни дадил ифодалашга, фикримизни эркин баён этишимизга имкон берди.

Оҳангарон ва Бўқа туманларида юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ислохотлар, ушбу соҳага оид қонунлар ва уларнинг ижросига бағишланган мулоқот "Депутат ва ёшлар" учрашуви лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Оқик мулоқотда ёшларнинг юрт тақдирига бефарқ эмасликлари, фаол фуқаролик позицияси яққол намоён бўлди.

Учрашувлар сўнгида фаол ва иқтидорли ёшларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Мурғак нигоҳларда қувонч ва ҳайрат

Чирчиқ шаҳридаги 14-Мехрибонлик" уйи тарбияланувчилари учун қўшалок байрам. Сабби, тарғибот гуруҳи аъзолари муассасага айнан 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига ташриф буюришди. Бу эса ҳажжи юракларга олам-олам қувонч улашди. Карнай-сурнай садолари остида кутиб олинган меҳмонлар кўзларидаги меҳрни яшира олишмади.

– Бу ерда болаларнинг соғлом камол топиши, мукамал таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди муассаса раҳбари Фарид Кенжаева. – Улар бу кунни интиқлик билан кутишди. Хоналарни безатишди, ўзлари

ясасан буюмлар кўргазмасини ташкил этишди. Театр ва кино актрисалари Зухра Солиева, Вазира Юнусовалар билан бўлган самимий суҳбат, хонандалар Амира Алибекова ва Дилмурод Отажоновларнинг диалогтар тароналари болаларга кўтаринки кайфият туҳфа этди.

Шунингдек, "Камолот кутубхонаси" лойиҳаси доирасида муассаса кутубхонасига санъаткорларнинг дастхатлари туширилган бадиий китоблар тақдим этилди.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" лойиҳаси доирасидаги бу каби учрашувлар Бўқа ва Оққўрғон туманларидаги меҳрибонлик уйларида ҳам бўлиб ўтди.

◻ Фестиваль кундалиги

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР, УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

Дийдор ширин

"Замонамиз қаҳрамонлари" ва "Сиз севган қаҳрамонлар" лойиҳалари фестивалнинг қизиқ лойиҳаларидан бўлиб, унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари, турли соҳаларда ютуқларга эришяётган ёшлар, давлат мукофоти соҳиблари билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган эди.

Паркентлик ўғил-қизлар ҳам бу учрашувни узоқ кутишди. Туман агросаноат ва сервис касб-хунар коллежига ташриф буюрган Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳодир Муродов, ёш актёр Расулхон Қодирхонов, хонанда Дилфуза Раҳимова ва Дилором Абдуазимовалар ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтаришди.

– Лойиҳа доирасида қўллаб-қувватлаш сафарда бўлди, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳодир Муродов. – Чекка ҳудудлардаги аҳоли, хусусан, ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар кишини ҳайратга солади. Дам олиш масканлари, замонавий коллеж ва лицейларни кўриб, халқимизнинг бунёдкорлиги олдида бош эгасан. Албатта, ёшлар яратилган бундай шароитларга жавобан "лаббай" дея, бор куч-ғайратларини Ватан тараққиёти йўлида сафарбар этишлари, шубҳасиз.

– Биз ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор зиммасига янада масъулият юкламоқда, – дейди Қўйи Чирчиқ туманидаги 11-умумтаълим мактаби битирувчиси Зулхумор Ҳожимуродова. – Бу каби фестиваллар, маънавий-маърифий тадбирлар бизларни ягона мақсад сари бирлашимизда, юксак марралар сари интилишимизда, янада фаол бўлишимизда бекиёс аҳамиятга эга.

Эъзоздаги кексалар

Аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этувчи Ангрен шаҳрида ҳам фестиваль юксак савияда, уюшқоқликда ўтди.

Бир гуруҳ фаол ёшлар тарғибот гуруҳи аъзолари билан биргаликда шаҳардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда кекса отахон оналарнинг ҳолидан хабар олишиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди.

– Бугун, чамаси ўттиз ёшга ёшардим-ов, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Турсунбой ота Фидоев. – Ҳар сафар бундай учрашувлардан ўзгача завқ оламан, яйраб кетаман. Биласиз, болажон халқимиз. Ҳар қандай озуларимиз рўёбини фарзандларимиз тимсолида кўрамыз. Шу маънода, уларнинг ёниб турган кўзларини, ундаги қувонч, қатъият ва ишончни кўриб, юрагим гурурга тўлади. Очиги, бундай пайтларда ёшларимизнинг халқимизга муносиб авлод бўлиб вояга етаётганидан, Ватанимизнинг эртаси ишончли қўлларда эканидан кўзёшларимни тия олмайман.

"Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" Юртбошимизнинг ушбу ҳаётбахш фикрлари бугун ёшларимизнинг йўлини ёритувчи нурга айланди, десак хато бўлмайди. "Нуронийлар эъзозимизда" лойиҳаси доирасидаги бу каби учрашувларда ҳам ушбу фикр иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди. Қўйи кўрган кексаларнинг қандай буюк аждодларнинг фарзанди эканимиз, ҳалоллик, мардлик ва жасурлик халқимизга хос фазилат экани, умуман, ҳаёт ҳикмати, шукроналик саодати тўғрисидаги ибратли ҳикоялари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида нуронийларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

"Ҳоким ва ёшлар" лойиҳаси доирасида шаҳар ҳокимининг ёшлар билан учрашуvidан бошланган фестивал Ангрен тиббиот ва ахборот технологиялари коллежиди давом этиб, гала концерт билан якулланди.

Экранда ҳаёт ҳақиқатлари ифодаси

"Вафодор", "Ҳиёнат", "Қадр" каби қисқа метражли фильмлар "Кичик фильмдан катта кинога" лойиҳаси доирасида намойиш этилди. Фильмни кўрган, ёшларнинг кино санъатига бўлган қизиқишлари яна ошган бўлса, ажабмас. Ёш ижодкорлар томонидан бугунги ҳаётимизда учраб турадиган муаммолар, баъзи инсонлар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганлиги акс эттирилган кадрлар ҳар бир ёшни чуқур мулоҳазага ундайди.

Зангиота қурилиш ва сервис касб-хунар коллежига ташриф буюрган меҳмонлар ёшлар билан ушбу фильмлар юзасидан фикр алмашдилар. Фильмлар бўйича фикр-мулоҳазасини билдирган навқиронларга "Камолот кутубхонаси"да чоп этилган бадиий китоблар тақдим этилди.

– Кўзларидида шижоат уфуриб турган, юриш-туришида ғайрат, фикр-мулоҳазасида зуққолик акс этган истиқлол фарзандларининг ишонч билан гапиришларидан қувонсан, киши, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳмонали Салимов. – Ахир, улар мустақилликдек буюк неъматдан, Юртбошимизнинг қайнок меҳри ва нурили тафтидан баҳраманд бўлиб камол топаётган йигит-қизлар-да. Эътибор берсангиз, давлатимиз раҳбари деярли барча қишқирларида ёшлар масаласига тўхталиб, уларга катта ишонч билдирадилар. Бугунги учрашувда амин бўлдимки, бу ёшлар билдирилган ишонч, албатта, оқлайдилар. "Кичик фильмдан катта кинога" лойиҳасини чинозликлар ҳам қизгин кутиб олишди.

Вилоят бўйлаб уч кун давом этган "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" фестивали доирасида "Ўзбекистонга хизмат қиламан!", "Бу менинг Ватаним!", "Виждонли сотувчи", "Одам савдоси – давр муаммоси", "Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти", "Ёшлар жонли ижро тарафдори" каби қатор лойиҳалар доирасида санъат, фан, маданият ва адабиёт ходимлари иштирокида учрашувлар ташкил этилди.

Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ, Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.



БИТИРУВЧИНИНГ БОРАР МАНЗИЛИ ТАЙИН

Ёқтирган касб-хунарини эгаллаб, ҳаётга катта орзу-ниятлар билан кириб келаётган битирувчининг ишли бўлган пайтдаги кўнглидан ўтадиган умидбахш кечинмаларини тасаввур қила оласизми? Фарзандининг вояга етиб, бир ишнинг бошини тутганидан мамнун ота-онанинг қувончиничи?

Бандлик

Ўтган йили вилоятимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини 37 минг 162 ўқувчи таъминлаган бўлса, шундан 817 нафари тижорат банкларида 11 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. 34 минг 679 ўғил-қиз мўҳим иш билан таъминланиб, 870 нафари олий таълим даргоҳларида ўзлари танлаган йўналишлар бўйича таҳсилни давом эттиришмоқда.

Ўқув йили нихоясига етиши билан касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳаётида янги давр бошланади. Бу йил мустақил ҳаётга қадам қўйиш арасида турган 37 минг 245 нафар битирувчининг аксарияти келажакда қайси соҳада меҳнат қилишини яхши билди.

Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизими тубдан такомиллаштирилгани ёшлар келажакини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиги Ботир Аҳмедов. — Жорий йилдан янгилик сифатида "колледж-корхона-ўқувчи" шаклида тузиладиган уч томонлама шартномаларга шахар ва туман ҳокимликлари ҳам киритилиб, эндиликда 4 томонлама шартномалар деб юритилаёпти. Бу эса, ёшларни иш билан таъминлаш қамровини янада кенгайтиришга хизмат қилаёпти.



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига ёндашувни тубдан ўзгартирди. Таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида мустақам ҳамкорликнинг ўрнатилиши мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган юқори маънавий кадрлар тайёрлашга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, мазкур тизим таълим-тарбия сифатини ошириш билан бир қаторда битирувчиларнинг иш билан таъминлашнинг борасида ҳам кенг шароитлар яратди.

Тошкент вилояти Меҳнат бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида бу йил вилоятда жами 87 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш белгиланган. Вилоятда тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 4 ой давомида 25 минг 891 та

янги иш ўринлари ташкил этилди. — Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида "Бизнес клуб"лар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича концепция лойиҳаси ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бандлик бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Худойбергенов. — Шунингдек, "Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси" ўқув курси жорий қилинган бўлиб, унда битирувчиларга ишга жойлаштириш тартиблари бўйича зарур билим ва кўникмалар берилмоқда.

Туман ва шахар ҳокимликлари, прокуратура ҳамда бандликка кўмаклашиш марказлари ташаббуси билан ўтказилган 18 та меҳнат ярмаркасида 1 минг 144 та

корхона, ташкилот ва муассаса ўзида мавжуд бўлган 7 минг 189 та бўш иш ўринлари билан иштирок этган. Ярмаркага жами 3 минг 882 нафар фуқаро жалб қилинган бўлиб, улардан 2 минг 535 нафари ёшлардир.

Шуниси қувонарлики, ёшлар орасида кичик бизнес соҳасига қизиқувчилар сифи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу борада масъул ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган бизнес гоялар танловларининг гоилиблари аждароқ кўпайиб бормоқда.

Яна бир гап. Ўз бизнесини ташкил этиш истагидида бўлган битирувчиларга "Бир дарча" тамойили асосида тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари ҳамда кредит маблағлари олишлари ёрдам берилмоқда.

Қисқаси, мамлакатимизда коллеж ўқувчиларининг ўз салоҳиятини юзага чиқаришлари, танлаган касбларида ишлаб, келажакда эл-юртга наф келтиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

кредитлар мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришда заҳира қилинган иш ўринларидан ҳам кенг фойдаланилаётгани амалда ўз самарасини бермоқда.

Коллежимизда етти та йўналишда мутахассислар тайёрланади, — дейди Олмалик ижтимоий иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи директори Мавжуда Илёсова. — Бу ерда 50 та ўқувчи мингга яқин ёшга касб сирларини ўргатилади. Ўқув-танитув ва ишлаб чиқариш амалиёти давлат таълим стандартлари асосида ўтказилади. Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини пухта ўташлари ва уларни келгусида иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Амалиёт давомида коллежда олган билимни мустақамладим, — дейди 3-курс ўқувчиси Шодия Эргашева. — Ишлаб чиқариш амалиёти келажакда зарур тажрибага эга бўлиш имконини беради. Тузилган шартномага кўра, шу ерда ишлайман. Амалётнинг биринчи кунидан корхонанинг тажрибали ходимига бириктирилдим. Танлаган касбимни пухта эгаллаш учун бор кучимни ишга солиб, олдимга қўйган мақсадимга эришаман.

Муқаддас ИСМОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Умар АХМЕДОВ олган сурат.

Қисқа ва
лунда

"Соғлом авлод учун" хайрия фонди Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан "Ер қуррасида тинчлик" республика расмлар кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказди. Унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этишди.

"Ҳар бир болага меҳр, эътибор" шiori остида Тошкент, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун "Тошкент Ленд" болалар истироҳат боғида хайрия тадбири уюштирилди. Барча кўнгилочар аттракционлар 1000 нафар болаларнинг хизматида бўлди.

Паркент тумани Қорақалпоқ қишлоғида қандалот маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган цех фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда айни пайтда 10 турдан зиёд ширинликлар тайёрланаёпти.

Ўз мухбирларимиз ахборотидан.

ФАРОВОНЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Аҳолининг озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, бу борада энг тўғри,

самарадор стратегик йўлни белгилаб олиш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Жараён

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан қолган давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган йўналишлар, айниқса, бозор муносабатлари талабларига мос равишда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ҳамда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш — бугунги кунда соҳада эришилаётган салмоқли натижаларнинг бош омили бўлмоқда.

Бинобарин, бу борадаги ислохотлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан талабини қондириш, турмуш даражасини ошириш, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашдек муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

Жумладан, Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ри-

вожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дastурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2020 йилда бошқоқ дон этиштиришни 16,4 фоиз, картошка этиштиришни 35 фоиз, сабзавотни 30 фоиз, мева ва узумни 21,5 фоизга ошириш кўзда тутилган қишлоқ ҳўжалигини

тубдан ислоҳ қилишга кенг йўл очади.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан яқинда эълон қилинган "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу вазифани беккаму кўст рўёбга оширишда катта имконият яратиши шубҳасиз.

Айни пайтда Тошкент вилояти бўйича жами 14 минг 734 корхона қишлоқ ҳўжалигини да фаолият қуритаётган бўлиб, шундан 4 минг 727 таси мева-сабза-

вот, картошка ва полиз маҳсулотлари йўналишидадир. Жорий йил биринчи чорагидида мева, резавор этиштириш ва узумчилик соҳасида 505 та, картошка ва сабзавотчилик йўналишида эса 80 дан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги корхоналари янгидан ташкил этилди.

Бу билан вилоят бўйича жами 24 минг 501 та янги иш ўринлари яратилгани, меҳнатга лаёқатли шахслар, айниқса, коллеж битирувчилари иш билан таъминланаётгани эътиборлидир.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

Реклама ва эълонлар

"GROSS INSURANCE" МАЖБУРИЙ СУҒУРТА БОЗОРИГА КИРИБ КЕЛМОҚДА

Жорий йилнинг 25 апрель кўни "GROSS INSURANCE" масъулияти чекланган жамиятининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти ҳамда суғурта амалиётларининг чуқур таҳлили асосида суғурта фаолиятини амалга ошириш лицензияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайта расмийлаштирилиб, компанияга мажбурий суғурта турларининг барчасини амалга ошириш учун ҳуқуқ берилди.

Шундай қилиб, "GROSS INSURANCE" республика фуқаролиги транспорт воситалари эгаларининг мажбурий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ТВЭФЖМСК), иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ИБФЖМСК), ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ТФЖМСК) ижтимоий-муҳим суғурта турларини

ҳамда ихтиёрий ва мажбурий суғуртанинг бошқа турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган энг йирик суғурта ошчилар ўнатилишига кирди.

"GROSS INSURANCE" суғурта компанияси 2011 йилда таъсис этилган бўлиб, жорий йилнинг 1-чораги натижаларига кўра устав капиталнинг миқдори бўйича 4-ўринни, суғурта мукофотларининг ҳажми бўйича 7-ўринни эгалламоқда. "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлигининг миқлиий шкаласи бўйича компания UZA молиявий барқарорлик рейтингига эга.

"GROSS INSURANCE" суғурта бозоридида устав капиталда давлат улуши бўлган учта суғурта компаниялари "Ўзбекинвест" ЭИМСК, "Ўзгирсуғурта" АЖ ва "Кафолит суғурта компанияси" АЖ билан бир қаторда қайта суғурталаш фаолиятини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш

ҳуқуқига эга бўлган ягона нодавлат суғурталовчиси ҳисобланади.

Компания республиканинг барча ҳудудларида, шу жумладан Қорақалпоқiston Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиаллар тarmoғига эга. Компаниянинг молиявий барқарорлиги самарали бошқарув, юқори даражадаги активлар ликвидлиги, Willis, AON, Zurich, Lloyd's синдикати, Allianz, ACE, Tokyo Marine, Hyundai Fire&Marine, Korean Re каби йирик халқаро қайта суғурталовчи ва брокерлаш ташкилотларидаги таътирчан қайта суғурталаш тизими ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос равишда шакллантирилган ва бошқарилган катта ҳажмдаги суғурта заҳиралари билан қафолиятидир.

"GROSS INSURANCE" МЧЖ матбуот хизмати.

"KOP TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳри, Мировот туманлараро судининг 04.04.2016 йилдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 648 776 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Дусллик ҚФЙ ҳудудидида 3,00 га ер майдонидида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 519,82 кв.м., қурилиш ости майдони 942,52 кв.м.дан иборат бўлган "гипс ишлаб

чиқариш бино ва иншоотлари" ҳамда бошланғич нархи - 340 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунот 4-берк кўчаси, 14-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 215,72 кв.м., қурилиш ости майдони 331,02 кв.м.дан иборат бўлган "тураржой (ҳовли)" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2016 йилнинг 7 июль кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашниш учун

талабдорлар мўлк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KOP TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО 00425, ИИН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мўлклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишниш мўмкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш

учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш қўнлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимоси савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия № 0039.

Муносабат

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги савий-ҳаракатлар самарадорлигини оширишга катта замин яратаяпти. Хусусан, Бош қомусимизнинг 78-моддаси парламент палаталарининг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини конституциявий мустақамлашга қаратилгандир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва кучайтиришга йўналтирилган ислохотлар пировардида "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишига асос бўлди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ
ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҚАМЛАЙДИ

Таъкидлаш жоизки, "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунда парламент назоратининг объектлари аниқ белгиланди. Яъни, парламент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Давлат дастурларини ижро этиши, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан назорат олиб боради.

Парламент назорати мақоми, ўрни ва роли билан ажралиб туради. У олий давлат вакиллик органи — халқ сайлаган вакиллар томонидан амалга оширилиши билан аҳамиятлидир. Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қонунда парламент назорати субъектлари, объекти, амалга ошириш шакллари, субъектларнинг мажбуриятлари, парламент назорати натижалари ва бошқа жиҳатлар белгиланган.

Жаҳон парламентаризми тажрибасига назар солсак, давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини парламент назорат қилади. Бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини кўриб чиқиш, ҳукумат ёки вазирларнинг ҳисоботларини эшитиш, парламент текшируви, қонун татбиқ этилишини ўрганиш кабилар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиздаги парламент назорати шакли халқаро андозаларга тўлиқ мос келади. Жумладан, давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш парламент ваколатига қиради. Янги қонунда ҳукумат аъзоларининг ахборотини, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш, парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови, Олий Мажлис палаталари қўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилаётганлиги-

ни ўрганиш каби парламент назорати шакллари ҳам ўз ифодасини топган.

Экспертларнинг фикрича, парламент назоратида бошқа давлат назорати турларидан фарқли равишда қиммидир жазолаш эмас, балки қонунчиликни такомиллаштириш йўли билан муаммоларга чора кўриш устуворлик касб этади.

Қонуннинг 22-моддасида парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмлар назарда тутилган. Уларнинг ичида энг муҳимлари сифатида парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш, қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чоралари кўришни келтириб ўтиш мўмкин.

Назорат бўйича берилган ваколатларни суистеъмол қилмаслик учун қонуннинг 23-моддасида тегишли қонуний қафоллар яратилганини ҳам қайд этиш лозим. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бошқа ташкилотларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслик, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши учун тўсиқларни юзага келтирмаслик шулар жумласидандир.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳокимият бўлишини конституциявий принципни рўёбга чиқаришни давом эттиришда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувоzanат тизимини такомиллаштиришда ўзига хос босқич бўлди. Мазкур қонун Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришда, қонун устуворлигини таъминлашда мўҳим ўрин тутуши шубҳасиздир.

Дилшод ИСМОИЛОВ,
вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

"KOP TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 18.04.2016 йилдаги 1-2207/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 125 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қ. Шарқ ҳаҳси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 65,80 кв.м., ишлаш майдони 41,73 кв.м.дан иборат бўлган 3 та яшаш хонадан иборат 34-хонадан "тураржой" қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йилнинг 7 июль кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашниш учун талабдорлар мўлк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KOP TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО 00425, ИИН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мўлклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишниш мўмкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш қўнлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимоси савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия № 0039.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти жамоаси профессор Қарамон Ражабовга сингилиси Гўлбаҳор РАЖАБОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсдор этади.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда "Наврўз" нашриёти жамоаси нашриёт директори Илҳом Ҳалиловга акиси

Шўхрат ҲАЛИЛОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Қарорда Рамазон ойи-ни жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, азиз авлиёларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларини ободонлаштириш, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби хайрли амаллар қамровини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бундай эзгу ишлар шубҳасиз, тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт барқарор бўлган юрtdа амалга ошад.

Шукроналик

САОДАТЛИ КУНЛАР ХОСИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги Қарори мустақил динимизда эътиқод эркинлиги борасидаги беқийс ғамхўрликнинг ёрқин намунаси сифатида халқимизга руҳий кўтаринкилик бахш этди.

қилишга интиламиз. Қолаверса, бир ой давомида фақат яхши ниятда, яхши амалда бўлган кишиларнинг рўзадан кейинги ойларида ҳам бундай фазилатлари бардавом бўлиши табиий.

Мана, юртимизда ҳозир ёз палласи. Тунлар қисқа, кунлар узун. Ёзнинг иссиғида рўза тутиш, кишидан аввало, сабрли бўлишни талаб қилади.

Соғлиғи, жисмоний имкониятлари кўтарган киши рўза тутар экан, очлик, ташналикка сабр этса, но-жоиз хатти-ҳаракатлардан

вужуди ортқча хилтлар озоридан ҳоли бўлади.

Бу ўринда, албатта, гап жисмонан соғлом кишилар ҳақида бораётганини эътиборга олиш жоиз. Қолаверса, Рамазонни покланиш оиди, дейишди. Яъни, рўзадорда руҳий тозариш ҳам кузатилади. Очлик машаққатини ҳис этган кишининг қалбида муҳтожларга нисбатан раҳм-шафқат туйғуси уйғонади. Натижада, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ришталари боғланади, ёмонликлардан ўзни тийиш қалбнинг покла-

нишига, ён-атрофдагилар ҳол-аҳволидан ҳар қачонгидан кўра кўпроқ хабардор бўлишга ундайди ва мағфиратга сазовор этади. Шу сабабдан ҳам Рамазон шарифга нисбатан маърифат оиди, мағфират оиди, тинчлик, хо-

ибодатларни тинчлик, хотиржамликда мукаммал адо этишимиз учун тегишли шароитлар яратиш тўғрисида махсус қарор чиқарилган. Бундай ғамхўрликлар, диний-миллий қадриятларга кўрсатилаётган эътибор ва иззат-ҳурмат дунё халқлари ҳавас билан қараши табиий.

Мамлакатимиз микёсида шундай хайрли ишлар амалга оширилаётган экан, биз ҳам эзгу амалларимизни кўпайтиришимиз, ота-оналаримизга, оиламиз, фарзандларимизга янада эътиборлироқ бўлишимиз лозим. Уларнинг кўнглини кўтариш, қариндош-уруғ, эрхотинлар, дўст-биродар ўртасига қандайдир сабаблар билан гина-қудурат оралаган бўлса, уларни бартараф этишга кўмаклашимиз жоиз.

Яхшилик қилишга кўнгли тоза инсонларгина қодирдирлар. Зотан, бундан биринчи навбатда ўзимиз манфаат кўраимиз.

Хайрулла ТУРМАНОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

Ғамхўрлик

Бир ойдир-ки, Бекобод шаҳрилик ёш оила соҳиби Зухриддин Мусаев хонадонидан меҳмон аримайди. Қариндош-уруғ, дўст-биродарларнинг нияти янги хонадонга кўчи ўтган икки ёшнинг бахту қувончига ше-рик бўлиш. Обод хонадоннинг файзли дастурхони устида фотиҳа-га кўл очган ёши улуглар юртимиздаги тинчлик ва фаровонликка кўз тегмасин, ёшларга шундай ғамхўрликлар кўрсатаётган Юртбошимиз омон бўлсинлар, дея ният билдиришмоқда...



ҲАВАС МАНЗИЛИ

Бугун мамлакатимизда чинакам бахт оғушидаги бундай ёш оилалар жуда кўп. Негаки, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу асосда юртимизнинг барча ҳудудларида "Қамолот" уйлари барпо қилиниб, ёш оилаларга топшири-

лаётган ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги юксак намунасидир, дейиш мумкин.

Хусусан, кейинги йиллар мобайнида виллоятимизнинг Ангрен, Олмалик, Бекобод шаҳарлари, ҳамда Охангарон, Бўстонлиқ туманларида кўркам ва замонавий кўри-нишга эга кўп қаватли уйлар барпо этилди. Юзлаб ёш оилалар имтиёзли асосларда берилаётган тураржойларнинг бахтиёр соҳибларига айланишди.

Бинобарин, фарзандлар камолини ўйлаган юртининг эртаси нурафшон, келажаги буюк бўлади.

Муҳайё ОДИЛҚОРИЕВА,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими катта мутахассиси.

Албатта, бундай юксак эътибор унинг оиласи, яқинларига бетимсол шодлик улашиш баробарида яна бир катта орзу

бўв. – Эътиборли жиҳатини, ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, замонавий қурилиш материаллари асосида бунёд этилаётган "Қамолот" уйлари йигирма йил муддатга имтиёзли ипотека кредити эвазига берилган. Унинг дастлабки беш йили имтиёзли давр ҳисобланиб, бошланғич бадал тўлови талаб қилинмайди. Турган гап-ки, бу уй-жойга эҳтиёжманд ёш оилалар учун жуда катта имкониятдир.

Йигитнинг моли ерда, деган гап бор. Эл-юртининг севган, унинг равнақи йўлида меҳнат қилишдан қочмаган, уйим-жойим, оилам деб ҳаракат қилган киши, албатта, муродига етади, рўзгорини бутлайди. Аслида, омад ҳам, бахт ҳам ана шундайларнинг ортдан эргашиб юради.

Ўрта чирчилик Маъруф Рашидов ана шундай ўқтам йигитлардан. Ҳуқуқ-тартиб соҳасида меҳнат қилиб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишни умр мазмуни, деб билаётган навқирон йигит ҳаётининг қувонч ва сурурга тўла лаҳзалари, не бахтки, бири бирини тўлдириб борапти. Оила қуриш, тўнғич ўғил Афрўзбекнинг туғилиши, ишдаги муваффақиятлар... Бу ёғини сўрасангиз, Маъруфжон мамлакатимизнинг салоҳиятли ёшлари қатори Президентимиз Фармонига кўра, "Шуҳрат" медали билан ҳам мукофотланган.

Албатта, бундай юксак эътибор унинг оиласи, яқинларига бетимсол шодлик улашиш баробарида яна бир катта орзу

Айтгандек, бугун бўстонлиқлик Жумаевлар оиласи кўчиб қирган хонадон тўртини хув ўша – янгидан ҳаёт бошлаётган бир жуфт дархат тасвири туширилган сурат безаб турибди. Жасурбек ва Сарвинозхон бу картинага "Бахт ошени" деб ном беришибди.

Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

НУРОНИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Ўрта Чирчиқ туманида "Кексалар доим эъзозда" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ибрат

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, нурунийлар, тиббиёт ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ёши улуг инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турмуш шароитларини янада яхшилашга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

– "Ўзбекистон – инсон қадри улугланган юрт" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда кекса авлод вакиллари ва ёшлар учрашуви ташкил этилди, – дейди "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Жамшид Рабиев. – Бундай тадбирлар навқирон авлод қалбида тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини юксалтириш, юртимизда яратилаётган кенг шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланишга қизиқишни оширишга хизмат қилади.

И. АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

Эътибор

Болалар – келажак бунёдкорларидир. Шу сабабдан юртимизда уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



МИЛЛАТ БАХТИ, ОИЛА ҚУВОНЧИ

Мамлакатимизнинг 25 йиллик мустақил тараққиёт йўлида болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилди. Хусусан, 2008 йил 8 январда қўйилган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда бола ҳуқуқларига доир умумэтироф этилган инсоний тамойиллар тўлиқ ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш керакки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасида халқаро-ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш

бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Амалдаги қонунчиликда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчилик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга кўра, бола дунёга келиши билан инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади ҳамда бу давлат томонидан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига мувофиқ "Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан

муҳофаза қилинади".

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, мактаб таълими, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ёш авлоднинг соғлом ўсиши, ҳар томонлама камол топиши, бир сўз билан айтганда, ҳеч қандам кам бўлмаслигини таъминлайди.

Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори юртимизда аҳоли соғлигини сақлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар

ни яратиш йўлидаги кенг қамровли ишларда муҳим дастуриямал вази-фасини ўтамоқда.

Соғлом авлоднинг камол топиришдек эзгу мақсад рўйида давлат органлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва турли жамоат бирлашмаларининг ҳамкорлигида олиб бораётган ишларини ҳам алоҳида қайд этиш зарур.

Бинобарин, фарзандлар камолини ўйлаган юртининг эртаси нурафшон, келажаги буюк бўлади.

Муҳайё ОДИЛҚОРИЕВА,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими катта мутахассиси.

Таассуф

"Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра". Бу ибора фуқароларимизни огоҳликка чорлаб, эътиборли бўлишга ундайди. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги қондаги риоя қилиш ҳам фаровонлигимизни асрашда муҳим аҳамиятга эга масалалардан биридир.

Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги хизмати ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари, шунингдек, саноат корхоналари, мактаб, боғча, маҳалла ва аҳоли турар-жойларида режали текширувлар ўтказмоқда. Фуқаролар билан учра-

шувлар, суҳбатлар уюштириб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Аммо, гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, доимий огоҳлантириш ва узлуксиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, баъзан арзима-

ган эътиборсизлик туйғулари келиб чиққан ёнғинлар учраб турибди. Хусусан, жорий йилнинг 4 ойи мобайнида виллоятимизда жами 373 та ёнғин

содир бўлди.

Уларнинг 95 таси пень ва газ қурилмаларининг, 79 таси электр мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш



қоидаларининг бузилиши, 137 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 36 таси болаларни олов билан ўйнаши ҳамда 26 таси бошқа сабаблар оқибатида келиб чиққан.

Кўриниб турибдики, ёнғин фуқароларнинг лоқайдлиги, бепарволиги, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги ва болаларни назоратсиз қолдириш натижасида содир бўлмоқда.

Жумладан, 5 апрель

куни Янгийўл тумани, "Тўябўғиз" маҳалласида яшовчи фуқаро З. Тўйчиевнинг уйида содир бўлган ёнғинга уй эгасининг эҳтиётсизлиги сабаб бўлган. Натижада, уйнинг 120 кв.м том қисми ёнган ва уй эгаси катта микдорда мулккий зарар кўрган.

8 апрель куни Ангрен шаҳри, Нурабод кўрғони, 50-уй, 25-хонадон эгаси А. Сафуюлининг хонадониде чекиш оқибатида содир бўлган ёнғин нати-

жасида 5 кв.м майдонда уй жиҳозлари (диван, кўрпа-тўша, мебель жамланмаси) ёниб, уй эгаси катта микдорда зарар кўрди.

Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган бор мол-мулкнингиз бир неча сонияда кўкка совирилиб, фожиа қурбони бўлай дебсангиз, олов билан ўйнашманг.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилайлик!

Сардор НУРМЕТОВ,
вилоят ИИБ ЁХБ мухандиси.



Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маъзияти:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaiqat@uamail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ